АВТОМОБИЛЛАРНИ ЮВИШ ШАҲОБЧАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (САММОЙКА)

Тошкент – 2024 йил

Лойиҳанинг мақсади:

Хизматлар кўрсатиш соҳасида автомобилларни ювиш шаҳобчаларини ташкил этиш орқали аҳолининг ҳам вақтини ҳам нақдини тежаш ва талабларини енгиллаштириш, бизнесларни автоматлаштириш учун муҳим соҳалардан бири ҳисобланади.

Савдо бозорининг мақсади ва баҳосининг хусусиятлари:

- Ушбу йўналишга бозор талабининг юқорилиги;

- Рақобат бозорининг кичиклиги;

- юқори даромадлилиги билан ажралиб туради.

Бизнеснинг қуйидаги хатарлари мавжуд:

1) форс-мажор ҳолатлари (турли хилдаги бахтсиз, техноген фалокатлар ва бошқалар);

2) Об-ҳаво ёмонлашуви орқали талабнинг камайиши;

3) Рақобат кучайганлиги сабабли сотишнинг пасайиши.

Хавфли вазиятларни ҳал қилиш ва олдини олиш:

1. Ҳар қандай сабабга кўра форс-мажор ҳолатлари юзага келганда, ускунани нархининг тахминан 30% йўқотиш билан сотиш мумкин.

2. Асбоб ускунани турли кўнгилсиз ҳолатлардан сақлаш учун уни Миллий гвардия қўриқлаш хизматига улаш, камера кузатуви мавжуд бўлган масканларга ўрнатиш зарур.

3. Рақобат кучайган вақтда чегирмалар бериш, доимий мижоз лойиҳасини ишга тушириш ва соҳани кенгайтириш керак.

Ушбу турдаги хизмат кўрсатиш Россия ва Еврова мамлакатларида оммалашган бўлиб, унга катта харажат талаб қилинмайдиган бизнес турларидан бири ҳисобланади.

Автомобилларни ювиш шаҳобчаларини ташкил этиш бизнесини бошлаш ва ташкил этишда тадбиркор ишни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширишни маслаҳат берамиз.

1. Хизмат кўрсатиш жойларини e-auksion.uz сайти орқали ёки аҳоли зич жойлашган бинолар олдини ижарага олиш;

2. Харажатлар ва даромадлар режасини ўзингиз учун тахминий қилиб тузиб олиш;

3. Ҳужжатлар билан боғлиқ масалаларни ҳаммасини хал қилиш;

4. Ўрнатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ва ҳужжатларни тайёрлаш;

5. Ускуналарни сотиб олиш учун ишончли таъминотчи топиш;

6. Реклама қилиш учун маркетинг тизимини ишлаб чиқиш;

7. Назорат қилувчи ва тузата олувчи устани топиш ёки ходимларни топиб берадиган ташкилот билан шартнома қилиш.

Шунингдек, қуйидаги Потенциал талабга таъсир етувчи омилларни кўзда тутиш.

- ҳудудда таклифнинг талабдан кам бўлиши (хизмат кўрсатиш дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг

кескин кўтарилишига, мижозларнинг дефицитга айланган хизматга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади;

- автомашиналар оқими даражаси – яъни йирик савдо ва дам олиш объектларига ташриф буюрувчиларнинг оқимининг ошиб бориши хизмат харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча камайиши потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади;

- ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир килади;

- рақобатбардошликни таҳлил қилиш ва рақобат сиёсатини аниқлаш;

- ҳудудда мазкур турдаги хизмат мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқлаш.

Ушбу 1 дона ускуна жамланмасининг нархи Россия давлатида 25 млн. сўмдан 120 млн. сўмга ўзини турли тавсифларига қараб нархланади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖ

Ушбу лойиҳанинг ишга тушириш орқали хизмат 24 соат автомашиналарга хизмат кўрсата олади ҳамда ортиқча ишчи кучи талаб қилмайди.

Ҳар хил турдаги автомобиль ювиш воситаларининг ўртача унумдорлиги:

Ўртача маҳсулдорлик, кун	Қўлда ювиш	Конвер ювиш	Ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи автомойка
	20-60	200	400-900

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

Ушбу хизматни ҳужжатлар ва қонунлар билан танишишингиз керак. Ҳужжатларни расмийлаштириш “Давлат Хизматлари Маркази” томонидан расмийлаштирилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ

Мосламадан турли ювиш воситаларини эркин танлаган ҳолда автомашинани ювиш мумкин.

Ушбу мосламанинг хизмат кўрсатиш ўртача нархи қуйидагича белгиланади:

сўм

Хизмат тури	Вақти	Нархи
1 та автомобилни ювиш учун сарфланадиган ўртача нарх	8 дақиқаси	15 000

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОБЪЕКТИНИНГ ЙИЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ

сўм

Хизмат кўрсатиш номи	Ўл. бир.	1 кунда кўрсатиладигахизмат	1 ойда кўрсатиладигахизмат	1 йилда кўрсатиладиганхизмат миқдори

		микдори	микдори	
Автомобилни ювиш (САММОЙКА)	дона	20	600	7 200

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОБЪЕКТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ

Бир йиллик харажатлари

сўм

	Харажат номи	1 ойлик	йиллик	Ускуна сони	Жами суммаси
1	Ижара	1 000 000	12 000 000	5	60 000 000
2	Электр энергия *(1Кв-700 сўм)*	300 000	3 600 000	5	18 000 000
	ЖАМИ:				**78 000 000**

Штат жадвали

сўм

№	Лавозими	Сони	Битта штат ойлик маоши	Жами 1-йил ойлик маош
1	Умумий назоратчи	1	4 500 000	54 000 000
2	Ювувчи	1	2 500 000	30 000 000
	ЖАМИ	**3**	**7 000 000**	**84 000 000**

Марказнинг 1-йиллик хизмат кўрсатишданр тушган тушуми

сўм

№	Хизмат кўрсатувчи мослама сони	Ҳар бири бир йилда кўрсатадиган микдори	5 таси кўрсатадиган хизмат микдори	Хизмат нархи	Жами суммаси
1	5	7 200	36 000	15 000	540 000 000

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

сўм

ЛОЙИҲАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚИЙМАТИ			
	Ўз маблағи	**Кредит маблағи**	**Жами**
Мосламалар хариди	250 000 000	0	250 000 000
Лойиҳа жойини таъмирлаш ва ускуналарни ўрнатиш	100 000 000	0	100 000 000
Лойиҳанинг умумий қиймати	**350 000 000**	**0**	**350 000 000**

СОФ ТУШУМ ВА СОФ ФОЙДА

сўм

Номланиши	**1- йилда**
Автошиналарни ювиш	540 000 000
Маош ҳаражатлари	84 000 000
Реклама ҳаражатлари	15 000 000
Кўзда тутилмаганбошқа ҳаражатлар	30 000 000
Ижараси учун	60 000 000
Электр энергия	18 000 000
Солиққа қадар тушган даромад	333 000 000
Фойда солиғи 12%	39 960 000
Сой фойда	**293 040 000**